

Ўзбекистон Республикаси
Монополияга қарши курашиш
қўмитасининг 2020 йил 27 августдаги
523/01-11-сонли хатига илова

Қонун хужжатларининг рақобатга таъсирини баҳолаш бўйича ХУЛОСА №

I. Умумий маълумотлар

Хулоса Адлия вазирлигига 2019 йил 19 апрелда 3155-сон билан рўйхатга олинган Қонун хужжатларининг рақобатга таъсирини баҳолаш методикаси асосида тайёрланди.

1. Лойиҳани тақдим этувчи орган номи:

Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги.

2. Лойиҳанинг номи ва тури:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойиҳаси.

3. Лойиҳани ишлаб чиқиш учун асос:

Ташаббускорлик асосида.

4. Лойиҳанинг қисқача мазмуни:

Хоразм вилоятида фойдаланмасдан бўш турган давлат мулки обьектларидан келгусида самарали фойдаланиш кўзда тутилган.

II. Тадбиркорлик субъектларининг асосий гуруҳлари бошқа масъул шахслар ҳамда таклиф этилаётган хужжатда давлат органларининг манфаатларига доир масалалар тартибга солинадиган маълумотлар

5. Хужжат билан манфаатлари назарда тутилаётган гурух иштирокчиларининг таснифи:

тадбиркорлик субъектлари гуруҳлари – “Худудгазтаъминот” АЖ, “Саёт қурилиш” МЧЖ, “Urganch avto eko trans” МЧЖ, “Хоразм авто шох бекат” МЧЖ;

давлат органлари гуруҳи – Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Давлат активларини бошқариш агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Хоразм вилояти худудий бошқармаси, Хоразм вилояти ҳокимлиги;

бошқа иштирокчилар гуруҳи муносабатлари – мавжуд эмас.

6. Янги ёки амалдаги функцияларга киритилаётган ўзгартиришлар, ваколатлар, мажбуриятлар, имтиёзлар, преференциялар, давлат органлари ҳуқуқлари ва уларни амалга ошириш тартиби тўғрисида, шунингдек, киритилилаётган чекловлар бўйича ҳамда бошқа маълумотлар:

6.1. Қарор лойиҳасининг:

- 2-банди иккинчи хатбошида **тўғридан-тўғри шартномалар асосида** “ноль” харид қийматида сотиладиган давлат мулки объектларининг рўйхати 2-иловага мувофиқ тасдиқланиши;

- 3-банди учинчи хатбошида 2-иловадаги объектлар бўйича инвесторлар билан **олди-сотди шартномалари имзоланишини** таъминлаши кўрсатилган.

6.2. Қарор лойиҳасига 4-иловаси:

-1-бандида Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 5 сентябрдаги 738-сон қарори билан тасдиқланган Белгиланган тартибда сотиладиган давлат мулки объектлари рўйхатининг изоҳ қисми учинчи банди “баҳолангандардан чегириб ташланади” сўзларидан кейин **“ҳамда қийматини 3 (уч) йилда бўлиб тўлаш хуқуқи берилади”** сўзлари билан тўлдирилиши;

-4-бандида Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекнефтгаз” АЖ ташкилотларининг фойдаланилмаётган ва ихтисосли бўлмаган активларидан самарали фойдланиш қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 13 мартағи 147-сон қарорининг 2-банди “Агентликка бериш” сўзларидан кейин **“бунда харидорга мулкий мажмуаларнинг қийматини 7 йил муддатгача ҳар чоракда тенг улушларда бўлиб тўлаш хуқуқини бериш”** сўзлари билан тўлдирилиши кўрсатилган.

6.3. Қарор лойиҳасининг 4-бандида Хоразм вилояти ҳокимлиги, Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги ва **“Худудгазтаъминот” АЖ** Давлат активларини бошқариш агентлиги билан биргаликда:

бир ой муддатда 3-иловадаги ишлаб чиқариш майдонларини баланс (қолдиқ) қийматида “Хоразм кичик саноат зоналари дирекцияси” ДУКга ўтказилишини;

“Худудгазтаъминот” АЖ томонидан 3-иловага мувофиқ топшириладиган бинонинг баланс (қолдиқ) қиймати миқдорида унинг устав фондидаги давлат улушкини мутаносиб равишда камайтирилишини таъминлаши топширилмоқда.

6.4. Қарор лойиҳасининг 6-бандида Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Хоразм вилояти худудий бошқармасига икки қаватли бино қуриб берилганлиги сабабли Хоразм вилояти, Урганч тумани, Муқумий кўчаси 2-тор кўчасида жойлашган икки қаватли бино **“Саёт қурилиш” МЧЖга бепул берилиши** кўрсатилган.

III. Рақобатга таъсирнинг тахлили

7. Ҳужжатни қабул қилинишининг оқибатлари прогнози

7.1. Қарор лойиҳасининг:

- 2-банди иккинчи хатбошида **тўғридан-тўғри шартномалар асосида** “ноль” харид қийматида сотиладиган давлат мулки объектларининг рўйхати 2-иловага мувофиқ тасдиқланиши;

- 3-банди учинчи хатбошида 2-иловадаги объектлар бўйича инвесторлар билан **олди-сотди шартномалари имзоланишини** таъминлаши кўрсатилган.

7.2. Қарор лойиҳасига 4-иловаси:

-1-бандида Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 5 сентябрдаги 738-сон қарори билан тасдиқланган Белгиланган тартибда сотиладиган давлат мулки обьектлари рўйхатининг изоҳ қисми учинчи банди “баҳоланган нархдан чегириб ташланади” сўзларидан кейин “**ҳамда қийматини 3 (уч) йилда бўлиб тўлаш ҳуқуқи берилади**” сўзлари билан тўлдирилиши;

-4-бандида Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекнефтгаз” АЖ ташкилотларининг фойдаланилмаётган ва ихтисосли бўлмаган активларидан самарали фойдланиш қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 13 мартағи 147-сон қарорининг 2-банди “Агентликка бериш” сўзларидан кейин “**бунда харидорга мулкий мажмуаларнинг қийматини 7 йил муддатгача ҳар чоракда тенг улушларда бўлиб тўлаш ҳуқуқини бериш**” сўзлари билан тўлдирилиши кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси “Рақобат тўғрисида”ги Қонунининг 12-моддасига мувофиқ, давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг айrim хўжалик юритувчи субъектларга уларни товар ёки молия бозорида фаолият кўрсатаётган бошқа хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан афзал ҳолатга қўядиган имтиёзлар, преференциялар ва енгилликларни асосиз равишда бериши **таъқиқланиши кўрсатилган**.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 сентябрдаги ПФ-5185-сон Фармони билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислоҳотлар Концепцияси”да **хусусий сектор самарали фаолият кўрсатаётган соҳаларда давлат иштирокидаги тижорат ташкилотларини тузишга чеклов чораларини белгилаш ва амалдаги корхоналарни қайта ташкил этиш, шунингдек, соғлом рақобат мухитининг ривожланишини чеклаётган алоҳида хўжалик юритувчи субъектларга эксклюзив ҳуқуқлар, индивидуал имтиёзлар ҳамда преференциялар бериш амалиётидан воз кечиш кўрсатилган.**

Ушбуларни инобатга олиб, қарор лойиҳаси 2-иловасидаги обьектларни инвестиция ва ижтимоий мажбуриятлар билан “нол” харид қийматида оммавий (танлов) савдоларга чиқариш бўйича бандга тегишли ўзгартиришлар киритиш, Қарор лойиҳасининг 4-иловаси 1 ва 4-бандларини чиқариб ташлаш лозим.

7.3. Қарор лойиҳасининг 4-бандида Хоразм вилояти ҳокимлиги, Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги ва “Худудгазтаъминот” АЖ Давлат активларини бошқариш агентлиги билан биргаликда:

бир ой муддатда 3-иловадаги ишлаб чиқариш майдонларини баланс (қолдиқ) қийматида “Хоразм кичик саноат зоналари дирекцияси” ДУКга ўтказилишини;

“Худудгазтаъминот” АЖ томонидан 3-иловага мувофиқ топшириладиган бинонинг баланс (қолдиқ) қиймати микдорида унинг устав фондидаги давлат улушкини мутаносиб равишда камайтирилишини таъминлаши топширилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ

жамият томонидан мол-мулкни олиш ёки уни бошқа шахсга бериш ёхуд мол-мулкни бошқа шахсга бериш эҳтимоли билан боғлиқ битим (шу жумладан қарз, кредит, гаров, кафиллик) ёки ўзаро боғланган бир нечта битим, агар бошқа шахсга берилаётган мол-мулкнинг ёки олинаётган мол-мулкнинг баланс қиймати бундай битимларни тузиш тўғрисидаги қарор қабул қилинаётган санада жамият соф активлари миқдорининг ўн беш фоизидан ортигини ташкил этса, йирик битим деб ҳисобланади.

Йирик битимларни амалга ошириш баланс қиймати ёки олиш қиймати битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилинаётган санада жамият соф активлари миқдорининг ўн беш фоизидан эллик фоизигачасини ташкил этувчи мол-мулк хусусида йирик битим тузиш тўғрисидаги қарор жамият кузатув кенгашининг аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилинади, йирик битим тузиш масаласи бўйича жамият кузатув кенгашининг яқдиллигига эришилмаган тақдирда йирик битим тузиш тўғрисидаги масала кузатув кенгашининг қарорига кўра акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳал қилиши учун олиб чиқилиши мумкин.

Баланс қиймати ёки олиш қиймати битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилинаётган санада жамият соф активлари миқдорининг эллик фоизидан ортигини ташкил этувчи мол-мулк хусусида йирик битим тузиш тўғрисидаги қарор акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

Мазкур қонун талабларидан келиб чиқиб, жамиятнинг мол-мулкини тасарруф этиш ваколати жамият бошқарув органларига берилганини инобатга олиб, қарор лойиҳасининг 4-бандидан **“Худудгазтаъминот” АЖга тегишли қисмини чиқариб ташлаш лозим**.

7.4. Қарор лойиҳасининг 6-бандида Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Хоразм вилояти худудий бошқармасига икки қаватли бино қуриб берилганлиги сабабли Хоразм вилояти, Урганч тумани, Муқумий қўчаси 2-тор қўчасида жойлашган икки қаватли бино **“Саёт қурилиш” МЧЖга бепул берилиши** кўрсатилган.

Лойиҳани бинонинг балансда сақловчиси билан келишиш таклиф этилади.

IV. ХУЛОСА

Юқоридагилардан келиб чиқиб, ушбу Қарор лойиҳасини қабул қилиниши оқибатида бошқа хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан афзал ҳолатга қўядиган имтиёзлар, преференциялар ва енгилликлар берилиши “Рақобат тўғрисида”ги Қонунининг 12-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 сентябрдаги ПФ-5185-сон Фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислоҳотлар Концепцияси талабларига зид эканлигини инобатга олиб, тўғридан-тўғри берилиши кўзда тутилган объектларни оммавий савдоларга чиқариш масаласини лойиҳага киритиш, лойиҳанинг 4-бандидан **“Худудгазтаъминот” АЖга тегишли қисмини чиқариб ташлаш бўйича ўзгартириш киритилгандан сўнг қарорни қабул қилиниши мақсадга мувофиқ ҳисобланади**.